Шаҳар ва туман.

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ**

# ҚАРОРИ

**ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ МИНИСТРЛЕР КЕҢЕСИНИҢ**

# ҚАРАРЫ

Нукус шаҳри — Нөкис қаласы

№ 300 «2» Май 2018 й.ж

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги "Вазирлар Маҳкамасининг "Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" 1996 йил 10 декабрдаги 437-сон қарорининг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги 306-сонли қарори ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 3 февралдаги ПФ-4944-сон Фармонига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқ ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" 2014 йил 4 мартдаги 48-сон қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 апрелдаги "Вазирлар Маҳкамасининг "Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" 1996 йил 10 декабрдаги 437-сон қарорининг 2-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида"ги 306-сонли қарори ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

а) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, истисно холларда, 500 нафардан кам аҳоли, лекин камида 100 оила яшайдиган бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда ҳам ташкил этилиши мумкинлиги маълумот учун қабул қилинганлиги;

б) Вазирлар Маҳкамасининг "Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида" 1996 йил 10 декабрдаги 437-сон қарорининг 2-банди учинчи хатбошисининг иккинчи жумласи чиқариб ташланганлиги;

в) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ушбу қарор талаблари тегишли туманлар бюджетларининг 2018 йил учун тасдиқланган параметрлари доирасида бажарилишини, 2019 йилдан бошлаб уларга бюджетларини шакллантиришда ушбу қарор талаблари инобатга олинишини таъминлаш топширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг "Вазирлар Маҳкамасининг "Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1996 йил 24 декабрдаги 311/12-сон қарорининг 3-банди учинчи хатбошисининг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги (Содиков) ушбу қарор талаблари тегишли туманлар бюджетларининг 2018 йил учун тасдиқланган параметрлари доирасида бажарилишини, 2019 йилдан бошлаб уларга бюджетларини шакллантиришда ушбу қарор талаблари инобатга олинишини таъминласин.

5. Тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда Нукус шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ўзларининг қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари А.Тажетдинов, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазири М.Содиков ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Т.Романов зиммасига юклансин.

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси** **К.Сариев**

UMUMIY BO'LIM
ULIWMA BO'LIM